АДАБИЁТИ МАВЗИГИ ЯРИМ АСРИ

ошлаган эдик. Зеро, она сутидек покиза
ани — унда муайян ижтимоий масалалар
ши, тўлақонли қаҳрамонлар образлари
бинобарин ҳар бир ёзувчининг юксак
урчини англаши ҳам дегани. Масалага ма-
дан ёндашадиган бўлсак, ёзувчиларимиз
илиниши лозим бўлган вазифалар борлиги
ди. «Республикамизда,— деб ёзади Худой-
ев,— илм-фаннинг шуҳрати дунёга машҳур.
паев. Собир Юнусов, Ёлқин Тўрақулов, Во-
сингари фан арбобларининг илм-фандаги
. Турсуной Охунова, Мамажон Дадажонов,
пко сингари атоқли механизаторлар ҳақи-
машаққатли, лекин шарафли ҳаёт йўллари,
ишган юксак зафарлари ҳақида бола-
болаларбоп қилиб ёзилиб, қўлдан-қўлга
бирон китобни эслай оласизми? Биз фан
революцияси даврида яшаяпмаз. Ана шу
ан болаларни озми-кўпми таништириб бо-
гидаёқ уларда ана шу соҳада майл ва
ғотиш, фан ва техника орқали ёш қалбда
тирос ёндириш, менимча, болалар ёзувчила-
бурчидир. Афсуски, бу соҳада ҳали жиддий
маяпти. Ризамат оганинг минг бир хил узу
тиргани, Буолма Жўраева тўқиётган чит
олаларига етти сидирғадан кўйлак бўлиши
ҳақида китоб ёзилганда қандай яхши бў

и, айрим кишилар ҳақидаги бадиий асарлар
иман ҳолга ўхшаб қолмаслиги керак. Бун-
да ҳам ҳаёт бутун ранг-баранглиги, мурак-
ан тасвирланиши зарур. Чунки, адабиёти-
қонийлик принципи болалар адабиёти учун
с. Ҳаққоний тасвир болаларни ҳақиқатни
а тарбиялашга ёрдам беради. Ҳақиқат эса
покиза ва мўътабардир.

НАИМ КАРИМОВ

АДАБИЙ ТАНҚИД ВА АДАБИЙ ЖАРАЁН

«Партиянинг адабиётга раҳбарлик қилиши дилимизга хуш келади. Кема учун маёқ, сайёҳ учун компас, ер учун қуёш азиз бўлгани каби биз ёзувчиларга бу раҳбарлик шундай азиздир». Таниқли ўзбек совет ёзувчиси Шароф Рашидов ўзининг адабий-танқидий мақолаларидан бирида шундай ёзган эди. Бу сўзлар барча совет ёзувчиларининг, шу жумладан, барча ўзбек ёзувчиларининг самимий фикр ва туйғуларини ифода этади. Зероки бу раҳбарлик адабиёт тўғрисидаги, ёзувчи тўғрисидаги, китобхон тўғрисидаги партиянинг оталарча ғамхўрлигини англатади, адабий ижодни ғоявий-бадиий жиҳатдан янада юксалтиришга, унинг коммунистик қурилишдаги муҳим ғоявий ролини кучайтиришга қаратилган партиявий тадбир ва чораларни билдиради. Шунинг учун ҳам кема учун маёқ, сайёҳ учун компас, ер учун қуёш қандай зарур бўлса, ёзувчиларга партия раҳбарлиги шундай зарурдир.

Коммунистик партиянинг кўпмиллатли совет адабиёти ҳақидаги ана шундай ғамхўрлигининг ёрқин нишоналаридан бири партия Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий танқидчилик ҳақида» чиқарган ва 1972 йил 25 январда «Правда» газетаси саҳифаларида эълон қилинган қарори бўлди. Бу қарорда КПСС Марказий Комитетининг бутуниттифоқ совет ёзувчилари съездларига йўллаган табрикномалари ва айниқса XXIV съездда қилинган ҳисобот докладида кўтарилган қатор принципиал масалалар янада аниқ ва кескин суратда қўйилади: адабий танқидчиликни кучайтирмасдан туриб, бадиий адабиётни юксалтириш, коммунистик қурилиш пафосини ҳочувчи ҳаққоний асарлар яратиш, коммунистик жамият бунёдкорларининг ҳар томонлама тараққий этишига бадиий сўз ёрдами билан таъсир ўтказиш маҳол эканлиги

кўрсатилади; адабий танқидчиликни кенг ривожланти
ришнинг амалий тадбир ва чоралари белгилаб берилди.

Ана шу тарихий қарор қабул қилингандан буён ўтга
давр ичида адабий танқидчиликда сезиларли жонланиш
юз берди. СССР Ёзувчилар союзи, Ўзбекистон Ёзувчи
лар союзи ва бошқа иттифоқчи республикалар ижоди
ташкилотларининг танқидчиликка бағишланган махсус
пленумлари, кенгашлари, семинарлари бўлиб ўтди; чу
нончи, Москвада атоқли ёзувчилар, танқидчилар, журна
ва газеталар, илмий муассасалар ва олий ўқув юртлари
нинг вакиллари бадиий ижодиёт ва адабий танқидчили
проблемаларини, эришилган ютуқлар ҳамда ҳал қилин
маган масалаларни икки кун давомида батафсил муҳо
кама қилдилар. «Совет Ўзбекистони», «Правда Востока»
ва «Ўзбекистон маданияти» газеталари ҳамда «Шарқ юл
дузи» ва «Звезда Востока» журналлари, бошқа матбуо
органларида адабий танқидчиликка эътибор кучайди
ҳозирги адабиётшунослик ва танқидчиликнинг энг яхш
ютуқларини ўзида мужассамлаштирган Воҳид Зоҳидов
нинг «Донолар даврасн», Лазиз Қаюмовнинг «Ҳамза» в
«Замондошлар», Г. П. Владимировнинг «Буюк бирлик
каби асарлари пайдо бўлди ва ҳақли равишда Ҳамза но
мидаги республика Давлат мукофотлари билан тақдир
ланди; ёш танқидчи Иброҳим Ғафуровнинг «Ёнар сўз
номли адабий-танқидий мақолалар тўплами эса ре
публика Ленин комсомоли мукофотига сазовор бўлд
Шу нарса қувонарлики, ўзбек танқидчилари иттифо
*мупаққидларининг турли анжуманларида ва ҳатто ад
бий танқидчилар халқаро уюшмасининг ишларида фа
ништирок эта бошладилар. Эндиликда партия Маркази
Комитетининг адабий-бадиий танқидчилик тўғрисид
чиқарган қарори юзасидан шу кунга қадар қилинган иш
ларга назар ташлаш ва навбатдаги вазифаларни, та
қидчиликнинг ҳозирги адабиёт ва жамиятда тутган ў
нини аниқлаб олиш пайти келган кўринади.

Шуни айтиш керакки, адабиёт ва танқид, айрим ёзу
чилар ўйлаб келганларидек, бир-бирига қарама-қарш
қутблар эмас. Улар ўртасидаги тафовут тасвир ва таҳли
материалида холос. Агар воқелик ёзувчи учун муайя
ҳаётий факт ва воқеалар берса, ёзувчининг ижодий т
саввурида қайта ишланган ва маълум бадиий конце
ция асосида янгича уюшган бу факт ва ҳодисалар та
қидчига бадиий материал беради. Танқидчи бу адаби

материалда давр ҳаётининг қандай янги, муҳим ва ма
роқли факт ҳамда воқеалари акс этганини, улар қандай
бадиий савияда тажассум бўлганини кузатади. Китоб
хон ҳам бадиий асарга худди шундай талаблар асосида
ёндашади. Аммо танқидчи китобхондан фарқли ўз таас
суротларини илмий-профессионал савияда баён этади,
ўз мулоҳазаларини далиллар билан асослайди, адабий
жараёнга таъсир ўтказишга уринади.

Танқидчи ўз фаолиятида марксча-ленинча методоло
гия асосида тараққий этган, вульгар социологизм ва фор
мализм назарияларига қарши курашда чиниққан, адабий
жараённинг тараққиёт босқичлари муаммолари ва хо
сиятларини ҳамда айрим ёзувчилар ижодини чуқур тад
қиқ этган адабиётшунослик фани тажрибаларига таянади. Ўзбек адабиётшунослари Навоий, Бобир, Махмур, Гулханий, Муқимий, Фурқат, Ҳамза, Абдулла Қодирий каби машҳур ёзувчи ва шоирларнинг улуғворлиги ва ўзига хослигини, уларнинг ўзбек халқи маданияти билан теран алоқасини очиб берганлар. Ҳолбуки, уларнинг баъзилари яқин вақтларгача феодал-сарой адабиётининг вакиллари сифатида, буюк Навоий эса бор-йўғи тақлидчи ёки таржимон шоир сифатида тилга олинар эди. Отошин шоир ва драматург Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийни эса ҳали ҳам айрим ажнабий «ўзбекшунослар» новатор ижодкор сифатида, янги ўзбек адабиётининг асосчиси сифатида эътироф этмай келадилар. Ўзбек адабиётшунослиги фани ғайри илмий қарашларга кескин зарба бериб, бундай ва бу каби тараққийпарвар ёзувчилар ижодини уларни яратган халқ, уларни вояга етказган мамлакат тақдири билан боғловчи тарихий-маданий илдизларни таг-томири билан очиб ташлади.

Ҳозирги кунда адабиётшунослигимиз хазинасида Ойбек ва Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон ва Абдулла Қаҳхор, Мақсуд Шайхзода ва Комил Яшин, Зулфия ва Шароф Рашидов сингари шоир ва ёзувчилар сиймосида ўзбек совет адабиётининг классик ўзбек маданияти, фольклори, рус, жаҳон ва қардош халқлар адабиётларининг энг яхши анъаналарини ўзлаштириш асосида ва совет воқелигининг тараққиёт тенденцияларини акс эттириш жараёнида бойиб ва ривожланиб бораётганини ёритувчи тадқиқотлар мавжуд. Социалистик реализм методига асосланган ўзбек адабиётининг тараққиёт босқичлари ва муаммоларини ҳозирги кун талаблари асосида тек-

ширган илмий асарлар ҳам оз эмас. Адабий жараённинг ва йирик ёзувчилар ижодининг муаммоларини ўрганишда ўзбек адабиётшунослиги орттирган бу бой тажрибаэндиликда танқидчилик учун айниқса асқатиб қолмоқда. Зероки, Коммунистик партия адабий танқидчилик олдига «коммунистик қурилишда бадиий маданиятнинг ўсиб бориши билан белгиланадиган талабларга» тўла жавоб бериш вазифасини қўймоқда.

Адабий-бадиий танқидчилик адабиётнинг кўзгуси ҳисобланади. Адабий жараёндаги барча ижобий ва салбий жиҳатлар, бугунги адабий ҳаётнинг характерли белгилари, нуқсон ва камчиликлари унда акс этади. Танқидчилик марксча-ленинча адабиётшунослик фани тўплаган *тажрибаларга* қанчалик суянса ва улардан қанчалик *унумли фойдаланса, адабий жараённинг* бу кўзгудаги акси шунчалик тўла ва ҳаққоний бўлади. Адабий танқидчилик ўзининг ҳозиржавоблиги туфайли адабий жараёндаги янги факт ва ҳодисаларга адабиётшуносликдан олдинроқ ўз муносабатини билдиради. Шу маънода танқидчилик ва адабиётшунослик бир-бирига ўзаро таъсир ўтказиб, бир-бирини бойитиб келади.

Ҳозирги ўзбек адабиётига назар ташласак, унда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айний ва Абдулла Қодирий бошлаб берган янги адабий анъаналар тобора чуқурлашиб ва бойиб бораётгани аён бўлади. Биз Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Шароф Рашидов, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Раҳмат Файзий, Пиримқул Қодировнинг романлари ва *достонларида халқ ҳаётининг теран жараёнлари*ни *ўзида акс эттирувчи социал типларни* кўрамиз; адабиётимизнинг *адабий жанр ва турларга, ижодий услуб*ларга ҳозир ҳар қачонгидан ҳам бой бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Ўзбек адабиётининг энг яхши асарлари рус, қардош ва хорижий халқлар тилларига кўпроқ таржима этила ва ҳали ўзбек маданияти тарихи кўрмаган катта китобхонлар аудиториясига эга бўла бошлади. Адабиётимизнинг пешқадам арбоблари СССР ва Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари ҳамда халқаро адабий мукофотларга сазовор *бўлдилар*. Адабиётимизнинг келажаги бўлган ёшлар эса олдинги ижодий марралардан мустаҳкам ўрин олдилар.

Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги бугунги адабий жараённинг қатор муҳим масалаларини ўрганиш

да самарали натижаларга эришди. Адабиётшунос олимлар ва танқидчилар ўзбек совет адабиётининг атоқли намояндалари ижодини пухта ўрганиб, монографик тадқиқотлар яратдилар. Бунда Иззат Султонов, Воҳид Зоҳидов, Ҳомил Ёқубов, Лазиз Қаюмов, Юсуф Султонов, Сарвар Азимов, Ҳафиз Абдусаматов, Матёқуб Қўшжонов, Салоҳиддин Мамажонов, Н. В. Владимирова, Озод Шарафиддинов каби адабиётшуносларнинг хизмати катта бўлди.

Ўзбек олимлари фаолиятининг иккинчи бир йўналиши адабиётимизнинг назарий асосларини марксча-ленинча методология асосида ўрганишга қаратилди. Бу борада Лазиз Қаюмов, Саид Шермуҳамедов, Сайдулла Мирзаев ва Худойберди Дониёров ҳамда Солиҳ Қосимовнинг — Ленин ва адабиёт, Иззат Султоновнинг — ўзбек совет адабиётида социалистик реализм методининг шаклланиши, Маҳмудали Юнусовнинг — ўзбек совет поэзиясида традиция ва новаторлик проблемаси, Собир Мирвалиевнинг — ўзбек романи, Ахбор Абороврнинг — ўзбек повести, Н. В. Владимированинг — ўзбек ҳикояси, Ҳафиз Абдусаматов ва Наби Раҳимовнинг — ўзбек сатираси, Бердиали Имомов ва Турсун Собировнинг — ўзбек драматургияси, Абдулла Суюмовнинг — ўзбек болалар адабиёти ҳақидаги тадқиқотлари самарали бўлди. Бу асарларнинг майдонга келиши ўзбек совет адабиёти босиб ўтган тарихий тараққиёт йўлини ва бу тараққиётнинг хосиятларини илмий жиҳатдан тўғри ёритишга ёрдам беради. Натижада Беруний номидаги республика Давлат мукофотига сазовор бўлган рус тилидаги бир томлик (1967), ўзбек тилидаги уч томлик (учинчи томи икки китобдан иборат, 1967—1972) «Ўзбек совет адабиёти тарихи» асарлари вужудга келди.

Шуниси муҳимки, кейинги йилларда яратилаётган Л. Қаюмов, Ҳ. Абдусаматов, С. Мамажонов, М. Қўшжонов, С. Мирзаев, Н. Шукуров, У. Норматов, И. Ғафуров, Н. Худойберганов, П. Шермуҳамедов ва бошқаларнинг адабий-танқидий асарларида у ёки бу ёзувчи ижодини, у ёки бу бадиий асарни республикамиздаги ҳозирги жараён билан чамбарчас алоқада текширишга бўлган майл кучайиб бормоқда. Кейинги йилларда ўзбек совет адабиётининг тараққиёт босқичлари ва хусусиятларини умумсовет адабиёти масалалари билан боғлиқ ҳолда ўрганиш ана шу олижаноб интилишнинг мантиқий давоми ўлароқ

гавдаланади. Бу жиҳатдан ўзбек адабиётшуносларининг Москвада СССР Фанлар академияси А. М. Горький номидаги Жаҳон адабиёти институти томонидан нашрга тайёрланган етти томлик «Кўпмиллатли совет адабиёти тарихи»ни (1970 йилдан бери «Тарих»нинг ҳозирча олти томи босилиб чиқди) яратишдаги иштироки диққатга сазовордир. Бу асар кўпмиллатли совет адабиётини кенг илмий планда ўрганишга қаратилган биринчи иш бўлиб, унда қардош катта ва кичик халқлар адабиётининг Октябрь революциясидан кейинги тараққиётининг умумий ва ўзига хос миллий томонлари муайян даврлар бўйича классик адабий жанрлар асосида ўрганилаётир. Ўзбек совет адабиётининг Октябрдан кейинги тараққиёт йўли А. М. Горький номидаги Жаҳон адабиёти институти ташаббуси билан тайёрланган ўн томлик «Жаҳон адабиёти тарихи»нинг сўнгги (IX—X) томларида ҳам ўз аксини топади. Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг ҳозирги тараққиёт даражаси адабиётимизнинг совет давридаги ривожланиш масалаларини ана шундай мураккаб ва кенг илмий аспектда ўрганишга тўла имкон беради.

Шубҳасиз, адабиётшунос ва танқидчиларимиз бундай катта илмий муаммоларни ўрганиш билан бир қаторда бугунги адабий жараённинг долзарб масалаларини ҳам эътибордан соқит қилаётганликлари йўқ. Аксинча, адабиётимизнинг шаклланиши ва тараққиётининг муҳим назарий масалаларини, етакчи ёзувчиларимиз ижодининг ғоявий-бадиий томонларини ўрганиш соҳасида орттирилган *тажриба* уларнинг бугунги адабий ҳаракатнинг ўзига хос *хусусиятларини*, *қусур* ва *нуқсонларини* яққолроқ кўришларига *ёрдам бермоқда*. Чунончи, М. Қўшжонов нинг ҳозирги ўзбек прозаси, Ҳ. Абдусаматовнинг ҳозирги ўзбек драматургияси ёхуд И. Ғафуровнинг бугунги ўзбек поэзияси масалаларига бағишланган мақолаларида адабиётимиздаги мавжуд ютуқлар билан бирга айрим жиддий камчиликлар ҳам дадил очиб ташланди. Биз бу ўринда бошқа кўплаб факт ва мисолларни ҳам келтиришимиз мумкин. Аммо гап танқидчи ва адабиётшунослар томонидан чоп этилган китоб, мақола ва тақризларнинг кўлами ни қамаштирадиган рўйхатида эмас. Гап шундаки, ҳаёт ва даврнинг тақозоси билан, ёзувчилар ва танқидчиларнинг умумий ҳаракати туфайли адабиётимиздаги маънавий иқлим анча яхшиланади. Ҳозир танқидчиликда асо-

киз ва кўпол чиқишлар, ҳақоратдан иборат танқид ва мадҳиябозликдан иборат тақризлар деярли кўринмай қолди; танқидчиларда ёзувчининг «бурнини қонатиш» одати йўқолиб, ёзувчиларнинг танқидчидан ҳуркиш касаллиги даво топди. Танқидчиларимиз вульгар социологизм деган мудҳиш касалликдан қутула бошлади. Танқидчилик истеъдодли ёшларга, ҳаёт ва адабиётдаги илғор тамойилларга меҳр-эътибор билан, нотўғри ва хато майлларга эса шафқатсизлик билан қарай бошлади. Ёзувчилар ва танқидчиларнинг биргаликдаги ҳаракатлари туфайли инсонга паст назар билан қаровчи, уни жамият механизмининг оддий ва кўримсиз детали сифатида баҳоловчи «винтчалар» назарияси, «кичик инсон» концепцияси фош этиб ташланди. Инсон характерининг, кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тасвири даврнинг маънавий бойлиги, гўзаллиги ва мураккаблигини очувчи асосий мезон бўлиб қолди.

Кейинги йилларда умумсовет, хусусан, ўзбек танқидчилиги эришган ютуқлардан яна бири адабиёт ҳодисаларига диалектик ёндашишнинг ленинча принциплари нияда кенг қанот ёзганида кўринади. Ҳозирги адабиётшунослик ва танқидчилик бадиий асар таҳлилига кечаги кундагига нисбатан методологик ва типологик жиҳатдан янгича ёндашмоқда. Танқидчилар ва адабиётшунослар уларининг энг яхши ишларида бадиий асарга яхлит ва мустақил эстетик силсила сифатида қараб, унинг ғоявийлиги, партиявийлиги ва бадиий қимматини ўзаро узвий боқлиқда текширмоқдалар. Бу нарса Ҳомил Ёқубов, Лазиз Қаюмов, Матёқуб Қўшжонов, Адҳам Акбаров, Иброҳим Ғафуров, Умарали Норматов кабиларнинг ўзбек совет адабиётига бағишланган монография ва мақолаларидагина эмас, балки Воҳид Зоҳидов, Азиз Қаюмов, Абдуқодир Ҳайитметов, Ғулом Каримовларнинг ўзбек классик адабиёти масалалари юзасидан ёзилган илмий асарларида ҳам кўзга ташланади.

Хуллас, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги марксча-ленинча методологияга асосланган ҳолда муваффақият билан тараққий этиб бормоқда. Адабиётшунослик ва танқидчиликнинг энг яхши асарларида ҳозирги адабий жараённи тўғри йўналтиришга, адабиётнинг бугунги куни учун характерли яхши ва ёмон жиҳатларга адабий жамоатчилик эътиборини қаратишга, ҳозиржавоб бўлишга ва китобхонларда юксак эстетик дидни шакл-

лантиришга интилиш руҳи кучаймоқда. Лекин ана шун-
дай қувончбахш ҳодисалар билан бирга ҳозирги ада-
бий-танқидий фикрнинг йўналишида айрим камчилик ва
нуқсонлар ҳам йўқ эмаслиги КПСС Марказий Комитети-
нинг «Адабий-бадиий танқидчилик ҳақида»ги тарихий қа-
роридан сўнг айниқса ойдин бўлиб қолди.

Шуни унутмаслик керакки, КПСС XXIV съездининг
кишиларимизни совет ватанпарварлиги руҳида, совет
халқи амалга ошираётган улкан ишлардан фахрланиш
руҳида, интернационализм руҳида, миллатчилик, шовин-
низм ва миллий чегараланганликнинг ҳар қандай кў-
ринишларига нисбатан муросасизлик руҳида тарбия-
лашнинг долзарб масалаларини таъкидлаб кўрсатган
тарихий қарорлари бизни қардош совет адабиётларининг
ғоявий бирлигини таргиб этиш соҳасидаги танқидчилик
*нинг бирламчи вазифасига, танқидчининг граждан*лик
бурчига янгича, теранроқ ва жиддийроқ қарашни тақоз
этади. «Танқидчининг бурчи, — деб таъкидланади қарор
да,— ҳозирги замон бадиий жараёнидаги ҳодисалари
тенденцияларни ва қонуниятларни чуқур таҳлил этиб б
ришдан, ленинча партиявийлик ва халқчиллик прин
ципларининг мустаҳкамланишига ҳар томонлама кўма
лашишдан, совет санъатининг юксак ғоявий-эстет
савияси учун курашишдан, буржуа мафкурасига қарш
изчиллик билан кураш олиб боришдан иборатдир. Ад
бий-бадиий танқидчилик санъаткорнинг ғоявий фикр д
ирасини кенгайтиришга ва унинг маҳоратини такомил
лаштиришга кўмаклашуви керак».

Ҳолбуки, айрим танқидчиларнинг мақола ва тақриз
ларида ғоявий ва бадиий жиҳатдан хом-хатала асарлар
нисбатан муросасозлик, субъективизм, ошна-оғайнига
чилик ва тарафкашлик билан муносабатда бўлиш ҳолл
ри ҳали ҳам кўринмоқда. Социалистик реализм ада
биётининг революцион, инсонпарварлик идеалларин
мустаҳкамлашда, буржуа «оммавий маданияти»нинг р
акцион моҳиятини фош этишда танқидчилик ҳали ҳа
етарли даражада фаоллик ва изчиллик кўрсатмай ке
моқда. Социалистик миллатлар адабиётининг бир-бири
бойитиши ва ўзаро яқинлашуви масалалари эса етар
даражада таҳлил қилиб берилмаяпти.

Шундай хато ва камчиликларнинг оқибати ўлароқ та
риз ва мақолаларнинг шаблон бир тури пайдо бўлди. Ш
шаблонга биноан дастлаб бадиий асар мазмуни баён эт

лади, муаллиф тўғрисида баъзи бир умумий тасаввурлар
берилади, китобдаги айрим нуқсонлар ундан олинган
умуман яхши таассуротни буза олмаслиги таъкидла-
нади.

Афсуски, айрим нашриётлар ғоявий ва бадиий жи-
ҳатдан ночор асарларни нашр этган, газета ва журнал-
larимиз эса уларни бефарқ таргиб қила берган ҳоллар
ҳам йўқ эмас. Агар бундай хом-хатала асарларни таргиб
қилган газеталарнинг тиражи шу асарлар тиражидан
бир неча ўн баравар зиёд эканлигини назарда тутсак,
улар қилган «холис хизмат»нинг кўлами аён бўлиб қола-
ди. Шунинг учун ҳам газета ва журнал редакциялари
тасодифий асарларга тақриз беришдан эҳтиёт бўлишла-
ри, «тақризбоп» асарларни танлаш ва саралаш принцип-
ларига қатъий риоя этишлари керак. Шуни қайд этиш
лозимки, тақриз бирор асарнинг яратилгани ёхуд қандай
хаётий материалга, мавзуга бағишлангани ҳақида ки-
тобхонга маълумот берувчи тарихий-биографик справка
эмас. У бирор адабий ҳодисани чуқур идрок этиш, унга
ғоявий-эстетик нуқтаи назардан баҳо беришни англата-
ди. Улуғ рус танқидчилари В. Г. Белинский, Н. Г. Черни-
шевский, Н. А. Добролюбов, уларнинг энг яхши танқид-
чилик анъаналарини давом эттирган ва ривожлантирган
А. М. Горький ва А. В. Луначарский ўз тақризларида ба-
диий асарни ундаги ғоялар ва образлар бирлигида яхлит
эстетик қурилма сифатида талқин этганлар, бу асарлар-
нинг адабиётга қандай янгилик олиб кираётганига, ҳаёт-
нинг қандай ижтимоий муҳим томонларини ёритаётганига
алоҳида аҳамият берганлар ва шу асосда мазкур асар-
нинг адабий ҳаётдаги ўзига хос ўрнини қайд этганлар.
Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзо-
да каби ёзувчиларимиз, Иззат Султон ва Ҳомил Ёқубов
сингари танқидчиларимиз ҳам тақризга ана шундай кат-
та талаблар асосида ёндашганлар ва ёндашмоқдалар. Ча-
маси, ёш танқидчиларимиз ана шу устозлар тажрибасини
пухта эгаллашлари учун Ўзбекистон Ёзувчилар союзи
республика журналистлар союзи билан ҳамкорликда тан-
қидчилар семинарларини ташкил этишлари ва бу семи-
нар ишига юқори малакали танқидчи ва адабиётшунос-
ларни жалб этишлари керак.

КПСС Марказий Комитетининг қарорида қайд этил-
ган танқидчиликнинг нуқсонларидан яна бири «танқи-
дий материалларнинг жанр жиҳатидан ранг-баранг ва

оммабоп» эмаслиги ҳамда «матбуот ишига марксча-ленинча эстетика соҳасидаги, санъат назарияси ва тарихи соҳасидаги етакчи мутахассислар, совет маданияти устозлари»нинг бўш жалб этилаётганидадир.

Тўғри, «Ўзбекистон маданияти» газетаси, «Шарқ юлдузи» ва «Звезда Востока» журналларида «тўққиз танқидчи»нинг анкета саволларига жавоблари, тақриз ва мақолалари босилиб турди; «Ёзувчи билан баҳс» рубрикаси остида ёзувчи ва танқидчи (ёки китобхон)нинг дебатлари берилиб турди; «Роман ва замон», «Ҳаёт ва драматургия», «Ҳаёт ва шеърият» деган қатор мавзуларда баҳс ва мунозаралар уюштирилди. Аммо айрим ҳолларда бундай мунозаралардан кўзда тутилган натижага эришилмади. Бу мунозараларда ҳозирги ўзбек танқидчилигининг айрим қусурлари — адабий жараёнга фаол аралашмаслик, ижодий лоқайдлик, чуқур назарий билимга ва аналитик фикрлаш қобилиятига эга бўлмай туриб мураккаб масалаларга бош тиқиш ҳолатлари кўринди. Афсуски, ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигининг И. Султонов, А. Қаюмов, Ғ. Каримов, Ю. Султонов, М. Юнусов ва О. Шарафутдинов каби пешқадам вакиллари бундай жиддий баҳсларни четдан туриб кузатдилар. Кези келганда шуни айтиш керакки, таниқли танқидчилар ҳозирги адабий жараёнга фаол аралашиб туришдан кўра ўз ижодхоналаридан чиқмай, катта-катта монографиялар ёзишни афзал кўрадилар. Ҳолбуки, партия ҳар иккала соҳани қўшиб олиб боришни талаб этмоқда.

Ўз тинчини кўзлаш тамойили ёзувчиларимиз фаолиятида ҳам кўзга ташланади. Наҳотки ҳозирги адабий жараёнда ҳамма нарса ўз маромида силлиқ ва равон бораётган бўлса?

Нега айрим ёзувчиларимизнинг ажабтовур истеъдоди майда-чуйда мавзуларга сарф бўлиб бормоқда?

Нега баъзи бир серҳосил ёзувчиларимиз хом-хатала асарларини ёзиб ташлашга ўрганиб қолмоқдалар? Қачонгача ўртамиёна асарлар нашр этила беради?

Нима учун ёзувчиларимиз (айниқса ёшлар) тўққизинчи бешйилликнинг зарбдор қурилишларидан четда қолмоқдалар? Қачонгача улар оилавий-маиший мавзулар орасида чувалашиб ётадилар?.. Бундай ва бошқа саволларга ёзувчиларимиз ҳам жавоб беришлари керак.

Танқидий фикр қанчалик ҳаққоний ва принципиал

бўлса, ҳозирги адабиётимизнинг муҳим масалаларини қанчалик дадиллик билан кўтарса, унинг мавқеи шунчалик кучли, натижаси эса шунчалик самарали бўлади. 30-йилларда Асқад Мухторнинг «Дарёлар туташган жойда» асари муносабати билан бўлган танқидий чиқишлар бу ёзувчининг келгуси ижодий парвозида қанчалик катта роль ўйнагани ҳаммага маълум. Ана шундай принципиал чиқишлар ҳозирги кунда айниқса авж олиши керак. Зероки, партия ва халқ танқидчилар ва ёзувчилардан худди шу нарсани кутмоқда.

Адабий танқидчилик тор адабий мавзулар орасида ўралашиб қолмаслиги ва умумэстетик мезонларни йўқотиб қўймаслиги учун адабий жараённинг етакчи тенденцияларини тинмай кузатиб туриши, у ёки бу ёзувчининг ижодий портретига хос қирраларни, ижодий йўлига хос хусусиятларни ёритиши, бадиий асарни ҳозирги даврнинг мафкуравий, ижтимоий ва маънавий муаммолари контекстида таҳлил этиши керак. Адабиётнинг ҳозирги муаммолари, ғоялари ва қаҳрамонларини тарихийлик принципи асосида қай даражада акс эттираётгани танқидчиликнинг диққат марказида туриши ва у бадиий асарнинг ғоявий-эстетик таҳлилига шу нуқтаи назардан ёндашиши лозим.

Ўзбек совет адабиёти масалалари буржуа олимларини ҳам қизиқтириб келади. Бироқ улар адабиётимиз ҳодисалари ва фактларини изоҳлашда социалистик тузумга ва унинг адабиётига туҳмат қилишни, халқнинг адабиётга бўлган ишончи ва муҳаббатига доғ туширишни, совет адабиётининг халқни коммунистик идеаллар руҳида тарбияловчи кучини ўтмаслаштиришни кўзда тутадилар. Улар Ўзбекистонни Туркистон, ўзбек адабиётини турк адабиёти, деб аташни яхши кўрадилар. Уларнинг бундай атамаларни чалкаштиришдан мақсади: «Большевиклар Туркистонни руслаштириб юборди, собиқ Туркистондан асар ҳам қолмади», деб фарёд чекиш ва гўё, ўзбек халқига хайрихоҳнамо фарёд остида миллатчилик ва шовинизм уруғларини сочишдир.

Ҳолбуки, В. И. Ленининг содиқ сафдоши — М. В. Фрунзе 1920 йилдаёқ «Турк республикаси», «Турк Компартияси» каби шиорларга қарши чиқиб, яхлит турк халқи йўқ, балки Туркистонда яшовчи ўзбеклар, туркманлар, қозоқлар, тожиклар ва бошқа ҳар бири мустақил миллат бўлган халқлар бор, деган эди. Совет дав-

латининг ленинча миллий сиёсати туфайли бу миллат-
ларнинг ҳар бири ўз республикасига, ўз маданиятига,
ўзининг конституцион ҳуқуқларига эга бўлди, уларнинг
она тили давлат тилига айланди. Шундай экан, мағриб-
лик «ўзбекшунослар»нинг нолишида уларнинг асл ниятла-
очиқдан-очиқ кўриниб турибди.

Танқидчилик халқимиз тарихи ва маданиятини сох-
талаштирувчи ана шундай ғаразли қарашларга кескин
зарба бериши, ўзбек адабиётининг юксалишидаги рус
ва қардош халқлар адабиётининг таъсири масалаларини
ўрганиши, адабиётдаги миллийлик ва интернационализм
муаммоларини тадқиқ этиши керак. Умуман совет ада-
биётининг, хусусан ўзбек адабиётининг ривожланиш
жараёнларини, социалистик миллатлар маданиятлари-
нинг бир-бирини бойитиши ва ўзаро яқинлашувини
етарли даражада чуқур таҳлил қилиш, адабиётимизнинг
кардинал масалаларини кўтариш ва унинг янги юксалиш
йўлларини белгилашга сўзсиз ёрдам беради.

Адабий-бадиий танқидчиликни ривожлантиришнинг
етакчи омилларидан бири ўзбек адабиётшунослари ва
танқидчиларининг махсус адабий-танқидий ва назарий
журналини нашр этишдир. Бундай журнал Ўзбекистон
ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил
ва адабиёт институтининг ҳамда республика ёзувчилар
союзининг қўшма органи бўлиши лозим. Мазкур орган
ҳозирги «Ўзбек тили ва адабиёти» номли илмий-назарий
журнал базасида ташкил этилиши мумкин.

Шу кунларда ўзбек халқи Ўзбекистон Совет Социа-
листик Республикалар Иттифоқи ва Ўзбекистон Комму-
нистик партияси ташкил этилган кунининг шонли 50 йил-
лигини тантанали равишда нишонламоқда. Бу мубора
санани ўзбек танқидчилари ва адабиётшунослари ҳа
янги-янги ижодий ютуқлар билан кутиб олдилар. КПС
Марказий Комитетининг «Адабий-бадиий танқидчилик
ҳақида»ги қароридан илҳомланган ва шу қарор асосида
да ўзларининг ижодий ва илмий режаларини қайта
кўриб чиққан танқидчилар ва адабиётшунослар ўзбек
совет адабиётининг 50 йил ичида босиб ўтган адабий-
бадиий йўлини чуқур идрок этиб, бу йўлнинг хосият-
лари ва сабоқларини жиддий тадқиқ қилмоқдалар; ада-
биётимизнинг ривожланиш омиллари ва жараёнларини
марксча-ленинча методология асосида муваффақият би-
лан ёритмоқдалар.